

Суғориш учун сувнинг етарли бўлмаслиги туфайли ноябрда экилган уруғлар апрель ойигача суғорилмайди. Лекин тупроқ намлигини сақлаш мақсадида экилган уруғлар ёки данаклар ёғоч кишиги билан мулчаланади ва натижада уруғларнинг униб чиқиши даражаси юқори бўлади.

Ниҳолларни август ойида пайванд қилишга тайёрлаш учун 1-2 марта азот ўғитлар билан озиклантирилади, мунтазам равишда суғорилади, қатор оралиғига ишлов берилади.

Пайвандлаш оила аъзолари билан бирга амалга оширилади.

Кўчатзорни иккинчи даласида ҳамма агротехник тадбирлар ўз муддатида бажарилади ва йилига ўртача 20 000 - 25 000 донга кўчат етиштирилади.

Қозоқова Бекпошшо Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси фермер хўжалиқларини юқори сифатли мева экинлари кўчатлари билан таъминламоқда.



Мева кўчатзорининг 2-даласи



Мева кўчатзори

Ушбу буклет **Bioversity International** кўмагидаги “Марказий Осиёнинг қурғоқчилик ҳудудлари бўйича (CRP1.1.) CGIAR тадқиқотлар режаси доирасида мўътадил иқлим мева экинларининг юқори сифатли кўчатлари билан фермерларни таъминлаш учун уруғчилик системаси платформасини яратиш” лойиҳаси доирасида тайёрланди ва нашр этилди.

Таклиф ва муҳозаалар учун контактлар:

Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти (ЎИТИ)

Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника қишлоғи.

Тел.: (+998-90) 987-79-05

Эл. почта: uzripi@yandex.com

Тузувчилар: К.И.Байметов, П.Т. Назаров
М.К.Турдиева ва К.И.Байметовлар умумий таҳрири остида.



RESEARCH
PROGRAM ON
Dryland Systems



Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти

Сифатли мева экинлари кўчатларини етиштиришда фермерларнинг анъанавий усуллари



Қозоқова Бекпошшо
Хоразм вилояти Урганч тумани
“Юқори боғ” қишлоғи

Тошкент – 2015

Қозоқова Бекпошшо ўрта маълумли, тажрибали боғбон. Хоразм вилоятида 40 йилдан ортиқ вақт давомида мева экинларини етиштириш ва кўчатчилик билан шуғулланиб келмоқда. Унинг 6 та фарзанди ва невараси бор.



Мева кўчатзорининг 1-даласи

1.0га майдонда ҳар хил мева экинлари боғларини ташкил этган. Боғлардан юқори ҳосил олиш ва кўчатзор учун она дарахтлар сифатида фойдаланади. Мева кўчатзори биринчи ва иккинчи далаларидан иборат бўлиб, умумий майдони 0.5га ташкил этади.

Кўчатзорда олманинг Ёзги Хазарасп, Қишки Хазарасп, Ренет Симиренко, Голден Делишес, Золотое Грайма, Беш Юлдуз; ўрикнинг Ёзги ўрик, Хоразм нуқули, Жундуксиз нуқул, Жундукли нуқул, Нуқул; нокнинг Хон нок, Юрт нок,

Нашвати; олхўрининг Лето, Супериор, Танагул; шафтолининг Сарик нектарин, Қизил нектарин, Анжир шафтоли, Шалили, Юбилейный навлари кўпайтирилмоқда.

Кўчатзор учун ер тайёрлашга катта эътибор берилади. Кўчатзорнинг биринчи даласи учун ер 30 см чуқурликда ҳайдалади. Ҳайдашдан олдин чириган гўнг, фосфорлиўғитлар солинади.

Қозоқова Бекпошшонинг даласи маълум даражада шўрланган. Сурункасига кўчат етиштириш салбий натижаларни берди. Кўчатларнинг сифати пасайиб, майдон бирлигидан олиндигон кўчатлар сони деярли 2 марта камайиб кетди.



Мева кўчатзорининг 2-даласи

Сабзавот экинларини экиш ҳам яхши натижа бермади. Энг яхши ўтмишдош экин шодилигига ишонч ҳосил қилиб, ҳозир мунтазам равишда мева кўчатзорини шодидан кейин ташкил этади.

Пайвандтаг учун уруғлар (данаклар) вилоятнинг тупроқ-иқлим шароитида ўсайтган, унинг таъсирида шаклланган маҳаллий намуналардан олинади.

Улар Қозоқова Бекпошшонинг боғида ҳам мавжуд бўлиб, уруғлар шу дарахтлардан тайёрланади. У тумандаги сафдошлари қатори кеч пишар, майда данакли ўрик ва шафтолилардан, ёввойи ҳолда ўсувчи олмалардан фойдаланади. Тайёрланган уруғлар (данаклар) стратификация қилинмайди ва тўғридан тўғри кўчатзорнинг биринчи даласига ноябрь ойининг ўрталарида экилади. Бунда уруғлар 4-5 см, данаклар 7-8 см чуқурликда жойлаштирилади ва ҳар бир метрга 25-30 та уруғ ёки данак экилади.

Қозоқова Бекпошшо фақат 90 см эгатлардан фойдаланади ва бошқа кўчатчилардан фарқлироқ уруғлар (данаклар) ҳар бир эгатда бир қатор қилиб экилади.



Қозоқова Бекпошшо мева кўчатзориди

Унинг тажрибасига кўра эгатлар энли бўлишига қарамасдан икки қатор қилиб экиш ер бирлигидан кўчатлар сонини оширса ҳам, кўчатларнинг сифатига салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун у фақат бир қатор қилиб экишни тавсия қилади.

Лекин бунда уруғлар ёки данаклар анча зич қилиб жойлаштирилади. Уларнинг оралиғи 3-4 смдан ошмайди.